

## Риёзус солиҳийн шархи / Риёзус солиҳийн шархи / 485-ҳадис

485 - وَعَنِ النُّعْمَانِ بْنِ بَشِيرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: دَكَرَ عُمَرُ بْنُ الْخَطَّابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ مَا أَصَابَ النَّاسَ مِنَ الدُّثْيَا فَقَالَ: لَقَدْ رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَظْلُمُ الْيَوْمَ يَلْتُوِي؛ مَا يَجِدُ دَقَّلًا مَا يَمْلأُ بِهِ بَطْنَهُ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ [2978].

«الدقّل» بفتح الدال المهملة والقاف: رديء التمر.

485. Нўймон ибн Башир розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Умар ибн Хаттоб одамларнинг қандай мол-дунёга эришганини айта туриб, шундай деди: «Мен эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кун бўйи очликдан букилиб, қоринларини тўйдиришга дақол\* ҳам топа олмай юрганларини кўрганман».

И мом Муслим ривояти.

\*Дақол: хурмонинг паст нави.

**Шарҳ:** Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари ва аҳллари бир неча кеча қаторасига оч ётишар эди, кечки таом топа олишмасди. Кўпинча уларнинг таомлари арпа нон бўларди» (И мом Термизий ва Ибн Можа ривоят қилишган).

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Оли Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бир ойни ўтказишар, аммо олов ёқишишмасди. Емишимиз хурмо ва сув бўларди, холос» (И мом Бухорий ва Муслим ривояти).

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Оли Муҳаммад соллаллоҳу

алайҳи васаллам то у зот қабз қилингунларича икки кун кетма-кет арпа нонга тўйишишмади» (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Савол пайдо бўладики, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уйларида бундан бошқа нарса бўлмаса саҳобалар ичларида давлатмандлар кўп эдилар. Ҳаммалари у зотдан жонларини ҳам аямасдилар. Улар бу ҳолни билиб туриб нима сабабдан сабр қилгандилар?

Жавоб шуки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай ҳолнинг ажридан умидвор бўлиб, ниҳоятда махфий сақлар эдилар. Оналаримиз ҳам шундай эдилар.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

